Адл ила олам юзин обод қил

Куч–адолатда

2020 йил
10 январь,
жума
№ 1 (774)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

БАРЧА ХИЗМАТЛАР УЧУН ЯГОНА БЎЛГАН ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 январь куни давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатидаги фаолиятининг илк кунларидан "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган ғояни илгари сурган эди. Мақсад одамларимизнинг оғирини енгил қилиш, ҳар қандай қулайликлар яратишдан иборат.

Бунинг учун, аввало, расмий идораларга у ёки бу юмуш билан мурожаат қилган аҳолининг вақти ва маблағини тежаш, айниқса, сарсон-саргардонликка барҳам бериш, қолаверса, коррупцияни бартараф этиш мақсадларида давлат хизматлари кўрсатишнинг яхлит, замонавий, ишончли тизимини яратишга киришилди.

Шу муносабат билан Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 12 декабрь куни "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон имзонланди. Унга мувофиқ, Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз бўйлаб Агентлик тасарруфидаги Давлат хизматлари марказлари фаолият юритиб келмоқда. Оддий одамлар учун қулай, кўркам бўлган 80 дан ортиқ инновацион бинолар жисмоний ва юридик шахсларга хизмат қилиб келаётган бўлса, бугунги кунда яна 94 та шундай иншоотларни қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, олис жойларга чиқиш орқали ("мобиль давлат хизматлари") қулай ва шаффоф тарзда сайёр хизматлар ҳам кўрсатиляпти.

Бугунги кунга келиб, Давлат хизматлари марказлари орқали "ягона дарча" тамойили асосида 130 турдан зиёд хизматлар тақдим этилмоқда. 2017 йилда аҳолига кўрсатилган хизматлар сони 12 мингтани ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 13 миллиондан ошган.

Сўнгги икки йилда жойларда 86 та давлат хизматлари марказлари очилди. Энг кўп мурожаат қилинадиган 36 турдаги хизматлар бўйича ҳужжатлар сони 112 тадан 52 тага камайтирилди, хизмат кўрсатиш муддати 280 кундан 126 кунга қисқартирилди.

Масалан, илгари ҳайдовчилик гувоҳномасини янгисига алмаштириш учун паспорт, тиббий маълумотнома, имтиҳон варақаси, эски гувоҳнома, расм ва энг кам иш ҳақининг 70 фоизи миқдорида тўлов талаб қилинган. Эндиликда эса фақат учта нарса: эски ҳайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талони, базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 фоизи ҳажмида тўлов керак, холос.

Ўтган йил 1 июндан бошлаб фуқароларнинг яшаш жойидан ва ташкилотларнинг манзилидан қатъи назар, исталган марказ орқали давлат хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилди. Бу одамларга жуда катта қулайлик яратиб, сарсонгарчиликдан халос этди.

Масалан, Тошкентдаги университетга Нукусдан келиб ҳужжат топшириш учун камида 2 миллион сўм харажат қилинган бўлса, ҳозир исталган марказга мурожаат қилиш кифоя.

Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар давом эттирилиб, 94 та янги марказ барпо этилишини аксар ҳолларда хусусий сектор билан шерикликда амалга ошириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу дастлабки қадамлар экани, аҳолига қулайликларни янада кўпайтириш зарурлигини таъкидлади.

Аввало, "ягона дарча" тамойили тўлиқ ишлаши учун барча давлат хизматлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилиши ва маълумотлар рақамлаштирилиши лозимлиги қайд этилди.

Ҳозирги кунда давлат хизмати кўрсатувчи 80 та идорадан атиги 27 таси Давлат хизматлари агентлиги билан ўзаро интеграция қилинган. 53 идорада маълумотлар рақамлаштирилмаган. Мисол учун, соғлиқни сақлаш, экология, қурилиш, архив билан боғлиқ давлат хизматлари соҳасида ҳалигача электрон маълумот базаси шаклланмаган.

Шундай маълумот алмашинуви йўқлиги сабабли 2019 йилда қурилиш, табиий газ, иссиқ сув ва ичимлик суви таъминоти борасида хизмат кўрсатиш муддатлари бузилган.

Шу боис йиғилишда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигига барча идораларнинг давлат хизматлари билан боғлиқ ахборот тизимлари ва маълумотлар базасини яратиш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Электрон давлат хизматларидан фойдаланувчилар сонини йил якунигача камида 5 бараварга ошириш, 2025 йилгача тўлиқ электрон хизмат кўрсатишга ўтиш мақсад қилиб қўйилди.

Аҳолининг 75 фоизи интернетга мобиль қурилмалар орқали кираётганини инобатга олиб, Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг мобиль версиясини ишга тушириш муҳимлиги қайд этилди. Узоқ ҳудудларда яшайдиган аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида давлат хизматлари марказининг 50 дан ортиқ филиалини ташкил этишни жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Хорижий тажрибани қўллаган ҳолда, одамларга бир мурожаат асосида қўшимча комплекс хизматлар кўрсатиш ҳамда фуқаронинг мурожаатисиз ҳам унга керакли хизмат турларини таклиф қилиш мумкинлиги қайд этилди.

Мисол учун фарзанд туғилиши билан унга туғилганликни қайд этиш, нафақа белгилаш, яшаш жойига рўйхатга ва тиббиёт муассасасига ҳисобга қўйиш, болалар боғчасига навбат каби хизматлар бирйўла тақдим этилса, ота-оналарга ғоят қулай бўлади.

Йиғилишда ушбу тизимни эксперимент тариқасида Тошкент шаҳрида, кейинчалик бошқа ҳудудларда босқичма-босқич жорий этиш юзасидан топшириқ берилди.

Президентимиз кўплаб хизматлар учун электрон рақамли имзо талаб қилиниши одамларга қийинчилик туғдираётгани, айниқса, бу тадбиркорларнинг энг оғриқли нуқтаси эканини таъкидлади.

Электрон рақамли имзодан компьютер орқалигина фойдаланиш мумкин. Тадбиркор рўйхатдан ўтиш учун солиқ идораси калити, божхона ҳужжатлари учун божхона калити ва ҳисоб рақами билан ишлаш учун банкнинг электрон рақамли имзосини олиши шарт. Бу калитларни олиш учун ҳар бир идорага алоҳида-алоҳида бориб, уни харид қилиши, тағин муайян муддатда яна маблағ сарфлаб янгилаши керак.

Президентимиз томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига мутасадди ташкилотлар билан биргаликда электрон рақамли имзо талаб этиладиган хизмат турлари учун шахсни тасдиқлашнинг муқобил, хавфсиз ва содда усулларини жорий қилиш вазифаси қўйилди. Шу йил 1 июлгача ҳамма хизматлар учун ягона бўлган электрон рақамли имзо ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ЎзА

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий айтганидек, бу дунёда эр йигитнинг энг буюк, эзгу ва муқаддас вазифаси, аввало, ўз оиласи, Ватани ва халқини муносиб ҳимоя қилишдан иборатдир.

14 Январь — Ватан ҳимоячилари куни

Эр йигитнинг бирламчи вазифаси – Ватани ва халқини ишончли ҳимоя қилиш

Мамлакатимиз ҳарбийлари бундай бурч ва вазифани касб сифатида танлаган мард ўғлонлардир. Зеро, уларнинг мардона хизматлари туфайли осмонимиз мусаффо, халқимиз хотиржам яшамоқда, юртимиз обод, халқимиз ҳаёти фаровон бўлмоқда.

Ҳар йили Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан январь ойида юртимизда ватанпарварлик ойлиги ўтказилиб, ҳарбийлар шарафланади. Чунки ушбу тизим ходимлари амалга ошираётган ишлар, сарҳадларимиз дахлсизлиги, халқимиз осойишталигини сақлашдек шарафли иш том маънода эъзозга лойиқ.

Қолаверса, бу халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини янада кучайтиришда ўта муҳим ўрин тутади.

Айтиш керакки, давлатимизнинг ҳарбий-сиёсий масалалар бўйича қатъий позициясини ифода этадиган янги Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Таклиф ва талаб

Жиноят ишини судда кўриш муддатини ҳисоблаш: муаммо, таҳлил ва ечим

Қабул қилинаётган қонунлар олиб борилаётган ислоҳотларимиз билан уйғун бўлган тақдирдагина маромида ишлайди. Бу — айни ҳақиқат, ҳаётий аксиомадир. Лекин айрим қонунларимиз замон талабларига мос эмас. Шу боис қонунларни ижро этиш механизмиларини аниқ, тизим асосида яратиш — долзарб вазифамиздир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида шундай деб алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Зеро, суд амалиёти таҳлили жиноят ишини судда кўриш муддатини ҳисоблашни такомиллаштириш ва иш юритишни тўхтатиб туриш асосларини бирмунча кенгайтириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ушбу муаммоларнинг ҳал этилиши, ўз навбатида, сифатли ва самарали суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилади. Хусусан, жиноят ишини судда кўриш муддатини ҳисоблашда қуйидаги муаммолар мавжуд.

Биринчидан, Жиноят процессуал кодексининг 405-моддасида биринчи инстанция судида жиноят ишини муҳокама қилиш муддати ва уни узайтириш тартиби белгиланган. Бироқ судда жиноят ишлари бирлаштирилган ёки алоҳида иш юритувга ажратилган ҳолларда ишни муҳокама қилиш муддатини ҳисоблаш тартиби назарда тутилмаган.

Масалан, 2018 йилда ва 2019 йилнинг 11 ойи давомида жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят, туман (шаҳар) судлари томонидан жами 401 нафар шахсга нисбатан 133 та жиноят иши бирлаштирилган. Шундан 28 нафар шахсга нисбатан 22 та жиноят иши алоҳида иш юритувига ажратилган.

Қонундаги ушбу бўшлиқ оқибатида суд амалиётида жиноят ишлари бирлаштирилган ёки алоҳида иш юритувига ажратилган ҳолларда ишни муҳокама қилиш муддатини ҳисоблашда турлича ёндашувлар кузатилмоқда.

(Давоми 3-бетда) ▶

Олий суд Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги йиғилишида "Апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори лойиҳаси муҳокама этилди ва қабул қилинди.

Шарҳ

Янги Пленум қарори: апелляция ва кассация инстанцияси судларида

иқтисодий процессуал қонун нормаларини тўғри ва бир хилда қўллашни таъминлашга хизмат қилади.

Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, ушбу Пленум қарорини қабул қилиш учун қандай зарурат бор эди?

Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, янги таҳрирдаги Иқтисодий процессуал кодекси қабул қилиниши муносабати билан Олий хўжалик суди Пленумининг бир қатор қарорлари ўз кучини йўқотган деб топилди.

Шунингдек, иқтисодий судлар томонидан ишларни апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўришда Иқтисодий процессуал кодекс нормалари айрим ҳолларда турлича қўлланилаётгани аниқланди.

Буларнинг бари бу борада Олий суд Пленумининг янги қарорини қабул қилиш заруратини юзага келтирди.

Шу мақсадда ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган қарор лойиҳаси тегишли судлар ва идораларга юборилиб, таклиф ҳамда фикр-мулоҳазалар олинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби, Олий суд ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари билдирган таклифлар асосида қарор лойиҳаси янада такомиллаштирилди.

Бундан ташқари қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида Олий суд томонидан иқтисодий суднинг апелляция ва кассация инстанцияларида кўрилган ишлар статистикаси ҳамда суд амалиёти ўрганиб чиқилиб, тегишли тартибда умумлаштирилди. Энг асосийси, ушбу умумлаштиришлар, шунингдек, Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан ушбу инстанцияларда қабул қилинган суд ҳужжатларини қайта кўриш жараёнида аниқланган ҳолатлар Пленум қарори лойиҳасини ишлаб чиқишда инобатга олинди.

Жумладан, 2018 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар иқтисодий судларнинг апелляция инстанциясида 1 минг 808 та, кассация инстанциясида 2 минг 66 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларининг қонунийлиги ўрганиб чиқилди. 2019 йил 11 ойида бу кўрсаткич тегишлича 2 минг 452 та ва 2 минг 210 тани ташкил этган.

2018 йилда апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан жами 1 минг 67 та суд ҳужжати бекор қилинган, 649 таси ўзгартирилган. 2019 йилда бу кўрсаткич тегишли равишда 1 минг 141 та ва 767 тани ташкил этган.

Суд амалиётида ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарорлари қабул қилинаётган ҳолатлар ҳам учрайди.

Маълумки, ушбу шахслар, Иқтисодий процессуал кодекснинг 259-моддасига кўра, биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти, 282-моддаси биринчи қисмига асосан эса, қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти, прокурор эса, тегишлича апелляция ёки кассация протести бериши мумкин.

Юқорида қайд этилган қонун талабини назарда тутиб, Олий суд Пленуми қарорининг 2-бандида ушбу шахслар, жумладан, жисмоний шахслар ҳам ишда иштирок этувчи шахсларнинг Иқтисодий процессуал кодекснинг 42-моддасида назарда тутилган ҳуқуқларидан фойдаланиши ҳақида батафсил тушунтириш берилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Қонун ижодкорлиги

14 ёшга тўлган вояга етмаганларга судда даъвогар бўлиш ҳуқуқи берилиши мумкин

Мамлакатимизда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция талабларини ҳар томонлама ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 2019 йил 22 апрелда Президентимизнинг "Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Қонун кўмаги

Камайтирилган пенсия

маъмурий суд томонидан тикланди



Бу ҳаётда ҳар бир киши танлаган касби орқасидан обрў-эътибор топиб, ёруғ юз билан нафақага чиқиш ва фарзанду набиралари қуршовида кексалик гаштини суришни ният қилади.

Асака туманининг Саидобод маҳалласида яшовчи М.Расулов ҳам 2010 йили 55 ёшга етгач, имтиёзли пенсияга чиққанди. Аммо 2019 йилнинг январь ойида кутилмаганда, унинг пенсияси накд тўртдан уч қисмга камайиб кетди. Аниқроғи, 1.149.000 сўмлик пенсияси бирданига 400.000 сўмга тушиб қолди.

Албатта, М.Расулов бундан ташвишга тушди ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Асака туман бўлимига мурожаат қилди. Бунга жавобан бўлим мутахассислари охирги 10 йиллик иш стажи инобатга олинмаганини маълум қилишди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Қонун ижодкорлиги

14 ёшга тўлган вояга етмаганларга судда даъвогар бўлиш ҳуқуқи берилиши мумкин

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Мазкур қарорда кўзда тутилган мақсадларга эришиш учун фуқаролик, оилавий, уй-жойга доир ҳуқуқий муносабатларга тааллуқли бола ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш билан боғлиқ бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш талаб қилинади.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан "Бола ҳуқуқлари кафолатларининг янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳасига кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга 18 ёшга тўлмаган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсни, агар унинг ота-онасидан бири, васийликка ёки ҳомийликка олган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний асосга кўра, яшаш ҳуқуқига эга бўлса, Ўзбекистон Республикасидан маъмурий тарзда чиқариб юборишни таъқиқлашга доир норма киритилмоқда.

Шунингдек, Уй-жой кодексига ота-она қарамоғисиз қолган болаларга муниципал ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидаги ўзлари яшаб турган турар жойларни улар "Меҳрибонлик" уйларига жойлаштирилган бутун вақт мобайнида бронлаштириш ҳуқуқини тақдим этиш тўғрисидаги қоидани киритиш кўзда тутилган.

Фуқаролик процессуал кодексига эса, вояга етмаган болаларнинг судга қилган бевосита мурожаатларини бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги важлари билан кўрмасдан қолдиришнинг таъқиқланиши, шунингдек, 14 ёшга тўлган вояга етмаганларга судда даъвогар бўлиш ҳуқуқининг берилиши тўғрисидаги қоида киритилмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунга ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг давлат органларига бевосита қилган мурожаатларини тўлиқ кўриб чиқишнинг кафолатланиши назарда тутилмоқда. Бунда бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги важлари билан бу турдаги мурожаатларни кўрмасдан қолдиришга йўл қўйилмаслиги ҳуқуқи тўғрисидаги қоидани киритиш назарда тутилмоқда.

Айни пайтда Парламент Қонунчилик палатасида ушбу қонун лойиҳаси юзасидан Ишчи гуруҳи ташкил этилиб, ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Алия ЮНУСОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Қонун кўмаги

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Аниқланишича, М.Расулов жами 36 йиллик иш стажига эга бўлган. Шундан 23 йилида — 1987 йилдан 2010 йилга қадар Россия Федерациясининг Тюмень вилоятида жойлашган "Инкомнефть" акциядорлик жамиятида ишлаган. Табиийки, ўша даврда унинг иш ҳақидан ҳам белгиланган даромад солиғи ва суғурта бадаллари ушлаб қолинган. Бироқ пенсия жамғармаси мутахассислари М.Расуловга 2000 йилдан 2010 йилгача ушланган суғурта бадаллари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига келиб тушмаганлигини рўкач қилиб, ана шу даврни иш стажидан чегириб ташлашган. Натижада М.Расуловнинг пенсия миқдори кескин камайиб кетган.

Табиийки, М.Расулов бундан норози бўлиб, бўлим бошлиғига оғзаки равишда мурожаат қилади. Лекин ҳеч нарса ўзгармагач, у Асака туман маъмурий судига ариза билан мурожаат қилиб, пенсия жамғармаси туман бўлими зиммасига юқоридаги иш стажини инобатга олиш мажбуриятини юклашни сўради.

Суд жараёнида аён бўлишича, М.Расуловнинг 2000-2010 йилларидаги иш ҳақи маълумотномасида суғурта бадаллари ушлаб қолинганлиги қайд этилган. 1992 йил 13 мартда имзоланган "Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлат иштирокчиларининг фуқароларини пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги келишув"нинг 6-моддасида ушбу Келишув кучга киргунга қадар фуқароларнинг барча иштирокчи давлатларнинг ҳудудидаги ва собиқ иттифоқ ҳудудида орттирилган иш даври иш стажига қўшилиши, Келишувнинг 13-моддасида эса, ушбу келишувдан ҳар бир иштирокчи депозитарийга юборилган тегишли ёзма билдиришнома билан чиқиб кетиши, бундай ҳолатда депозитарий олинган кундан бошлаб аъзо мамлакат Келишувдан 6 ой ўтиб, чиқиб кетиши, аъзо мамлакат келишувдан чиқиб кетган тақдирда ҳам, ушбу давлат фуқароларининг пенсия ҳуқуқлари ўзининг кучини йўқотмаслиги белгиланган. Ўзбекистон Республикаси эса, ушбу Келишувдан чиқиб кетмаган ва Келишув талаблари айни пайтда ҳам амалда.

Бундан ташқари амалдаги "Давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонуннинг 2012 йил 5 январгача амалда бўлган таҳрири 36-моддасига мувофиқ, чет элда ишлаган даврлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадаллари тўланган тақдирда, агар давлатлараро битимларда ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Қонуннинг айни пайтдаги таҳрири 6-моддасида ҳам, фуқаролар давлат пенсия таъминоти соҳасида Ўзбекистон Республикасининг миллий қонун ҳужжатларидан халқаро шартнома қоидалари устувор аҳамиятга эга эканлиги белгиланган.

Айтиш керакки, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 1-моддасида "Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикаси маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади" дея қайд этилган. Шу боис, суд Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Асака тумани бўлими зиммасига М.Расуловнинг 2000-2010 йилларда Россия Федерациясининг Тюмень вилоятида жойлашган "Инкомнефть" акциядорлик жамиятида ишлаган даврини ҳисобга олинган ҳолда пенсия тайинлаш мажбуриятини юклаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу тариқа фуқаронинг бузилган ҳуқуқи суд томонидан тикланди. Бу ҳам Президентимиз ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг амалдаги самарасидир.

Бахром БЕРДИЕВ,
Асака тумани маъмурий судининг раиси

14 Январь — Ватан ҳимоячилари куни

Эр йигитнинг бирламчи вазифаси – Ватани ва халқини ишончли ҳимоя қилиш

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида миллий армиямиз тезкор ва ихчам, ҳар қандай таҳдидларга муносиб зарба беришга қодир бўлган жанговар кучга айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, дунё миқёсида халқаро терроризм, экстремизм каби хавф-хатарлар, миллий ва глобал хавфсизликка қарши таҳдидлар тобора ортиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини юксалтириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий қурол-яроғ ва аслаҳалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний, маънавий-интеллектуал тайёргарлигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш энг устувор вазифамиз.

Бу борада ҳар бир ҳарбий хизматчининг профессионал билим ва малакаси, ақлий салоҳияти, руҳий тайёргарлигини ошириш, уларда ватанпарварлик фазилатларини камол топтириш ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлат мудофаа қудратини ҳар томонлама ошириш, етук ва малакали ҳарбий кадрларни тайёрлаш, Ватан ҳимоячилари, уларнинг оилалари учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш бўйича зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Халқимизнинг "Билаги зўр бирни енгади, билими зўр — мингни" деган мақолида чуқур маъно бор. Шу нуқтаи назардан, Қуролли Кучларимизни модернизация қилиш, хусусан, ҳарбий таълим соҳасига замонавий билим, илғор хорижий тажрибалар, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича бошлаган ишларимиз янги босқичга кўтарилмоқда.

Айни вақтда шахсий таркиб ўртасида миллий ўзликни англаш ва жанговар руҳни, ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги йилларда миллий армияни изчил ташкил қилиш ва ислоҳ этиш Қуролли Кучларнинг қиёфаси, ташкилий тузилиши, қўшинларни бошқариш тизими, ҳарбий кадрларни тайёрлашни тубдан ўзгартиришга, қўшинларни қурол-аслаҳа ва техниканинг энг янги намуналари билан таъминлашга имкон берди. Республикамизнинг геостратегик жойлашуви, шунингдек, минтақада юзага келаётган ҳарбий-сиёсий вазиятни ҳисобга олиб, ҳарбий округлар ҳамда ҳарбий-ҳаво кучлари ва ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг тузилиши ва вазифалари қайта кўриб чиқилди, Миллий гвардия ташкил этилди, қўшинларни қурол-аслаҳа ва техниканинг энг замонавий намуналари билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Олий ҳарбий таълим муассасаларида таълим олиш учун юксак ақл-заковат ва етакчилик қобилиятига эга бўлган ёшларни аниқлаш ҳамда уларнинг муносибларини танлаб олишга талаб оширилди. Ҳарбий академик лицейларни ислоҳ қилиш мақсадида, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 июлдаги фармонига мувофиқ, барча академик лицейларга "Темурбеклар мактаби" номи берилди. Мамлакатимиздаги 29 академик лицей ва касб-ҳунар коллежида махсус гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳарбий хизматчилар билимини юксалтириш, касб маҳоратини янада ошириш учун соҳага оид кўрик-танлов ва мусобақалар мунтазам ташкил этилмоқда. Ушбу тадбирларга 2 минг 500 нафардан зиёд хизматчи қамраб олинган.

Ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларининг ижтимоий ҳимояси давлат томонидан кафолатланди. Ҳатто резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам алоҳида эътиборга олинган. Ҳарбий хизматчилар учун кўп қаватли турар жой бинолари қуриш дастури тасдиқланди. Дастурга мувофиқ, ҳар йили кўплаб ҳарбий хизматчиларнинг оиласи учун турар жойлар барпо этилмоқда.

Армия мактабини ўтаган ёшлар билан узлуксиз алоқани йўлга қўйиш мақсадида, муддатли хизматдан қайтган фуқароларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича зарур ишлар олиб борилаётир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

2017 йилда Миллий гвардия ва Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси ташкил этилди, ҳарбий округларнинг таркибий тузилиши ва вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилди, қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди, улар босқичма-босқич замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланмоқда.

Бунинг натижаси эса, дунё миқёсида эътироф этилмоқда. Global firepower таҳлил компанияси рейтингига кўра, Ўзбекистон армияси ҳарбий қудрати бўйича 2016 йилда 54-, 2017 йилда 48-ўринни эгаллаган. 2018 йилда ўз позициясини 15 даражага кўтарган ҳолда Ўзбекистон Марказий Осиёнинг энг қудратли ҳарбий давлати деб топилди. Дунё рейтингида Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон каби Марказий Осиё давлатларини катта тафовут билан ортда қолдириб, 39-ўринни забт этди.

Бугунги кунда Ватан ҳимоячиси бўлиш ҳар бир йигит учун нафақат конституциявий бурч, балки чинакам орзу, шон-шараф ишига айланди.

Муаттар РЎЗИБОЕВА,
журналист



Жиноят ва жазо

Фирибгарликнинг

Маълумки, ҳаётда ҳар ишнинг ўз тартиб-қоидаси, қонуний йўли бор. Бу тамойилларга қатъий риоя этиш ҳар бир кишининг кўнгил хотиржамлигини таъминлаш билан бирга, дилхиралик ва ортиқча дахмазаларга ўрин қолдирмайди.

Аксинча, қонун доирасида битадиган ишни тез ва осон йўл билан ҳал этаман, деб хатога йўл қўйиш оқибати турли хил ташвишларга сабаб бўлади.

Амалдаги тартибга кўра, кўп қаватли турар жой биноси қурилиши учун, аввало, ҳокимлик ер майдони ажратиши лозим. Ажратилган ер майдони бўйича объектни барпо этиш учун фаолияти қурилишга йўналтирилган масъулияти чекланган жамиятлар иштирокида кимошди савдоси ўтказилади. Бундан ташқари савдосининг ҳам ўзига хос шарт ва мезонлари бор. Ана шу талабларга тўлиқ жавоб берадиган қурувчи ташкилот ғолиб деб топилади.

Исматулла Равшанов (исм-шарифлар ўзгартирилди) 2017 йилнинг октябрь ойида Навоий шаҳрида кўп қаватли уй-жой объекти учун ўтказилган кимошди тендер савдосида бир-икки марта иштирок этди. Аммо омади чопмади.

Исматулланинг иши юришмаётганидан таниш-билишларининг хабари бор эди. Буни қарангки, шундай кунларнинг бирида у тасодифан кўчада дўсти Комилни учратиб қолади. Бу 2018 йилнинг февраль ойида рўй беради. Салом-аликдан сўнг ҳол-аҳвол сўрашишгач, Комил кутилмаганда, шундай хабарни айтадики, бундан Исматулланинг кўнглини қоплаб турган ғубор тарқаб кетгандек бўлади. Нима эмиш, Тошкент шаҳрида яшовчи Жасур исмли йигит қурилиш учун ер майдони ажратиш масаласини ҳал қилаётганмиш. Жасур билан гаплашиб кўриш керак, зора, ёрдами тегса. Хуллас, Комил Исматуллага танишлари орқали Жасурнинг телефон рақамини топиб беришга ваъда қилади.

Буни қарангки, Комил ваъдасининг устидан чиқиб, тез орада Жасурнинг телефон рақамини топиб беради. Исматулла эса, Тошкентга қўнғироқ қилади. Навоий шаҳрида яшаши ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини айтиб, Жасурга ўзини таништиради. Кўп қаватли уйлар қуриш учун жой тополмаётганидан ёзғиради ва ёрдам беришни илтимос қилади.

Комилнинг айтгани ростга ўхшайди, негаки, Жасур деганлари ҳақиқатан ҳам, дангал, мард ва ҳожатбарор экан. Исматулланинг илтимосини эшитгач, Республика архитектура ва қурилиш бошқармасида ишлашини, бундай масалалар пойтахтда ҳал бўлиши, қурилиш учун жой топишга албатта ёрдам беришини айтади.

Кейинги ой, яъни 2018 йилнинг март ойида Исматулла Комил билан бирга Жасурни Навоий шаҳар ҳокимияти биноси олдида кутиб олади. Чунки Жасур Навоий шаҳар ҳокимиятига хизмат юзасидан бораётганидан хабардор қилиб, учрашишга ваъда берганди. Қисқаси, ўшанда улар учрашишгач, янада яқинроқ танишиб олишади. Тошкент шаҳрининг Миробод туманида яшовчи, Республика архитектура ва қурилиш бошқармасида кўп қаватли уйлар ва объектлар қурилиши учун жой ажратилиши бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ягона ваколатига эга Жасур Дўстмуродов билан танишганидан Исматулла жуда хурсанд эди.

Айниқса, ер масаласи бўйича айнан ўзи шуғулланиши, Тошкентда туриб, ҳужжат тайёрлаши, Навоий шаҳар ҳудудидан ажратилиши лозим бўлган жойларни белгилаши, ҳужжатларни тўлиқ расмийлаштириб, шаҳар ҳокимига тасдиқлаш учун юборишини эшитгач, Исматулла қўлидан бу даражада кўп иш келадиган, ўзидан анча ёш Жасур билан танишганидан янада қувониб кетади.

Қисқаси, улар танишишгач, Жасур Исматулладан ўзи раҳбарлик қилаётган масъулияти чекланган жамиятнинг устави, гувоҳномаси ва ўзининг фуқаролик паспорти нусхасини беришни сўрайди. Шунингдек, 250 миллион сўм тўловни ҳам амалга ошириш лозимлигини айтади. Буни эшитиб, Исматулла тўловнинг сабабини сўрайди. Жасур бунга жавобан уй-жой қурилишига ажратиладиган ер майдонидаги дарахтлар учун экологияга, архитектурага, смета харажатлари, давлат божи, ҳокимиятнинг захира ер фонди ва шунга ўхшаш давлатга тўланадиган тўловлар борлигини айтади.

— Икки юз эллик миллион сўмни шартнома тузиб, банк орқали ўтказиб берсам, нима дейсиз, — сўрайди Жасурдан И.Равшанов.

— Яхшию, лекини бор-да, — жавоб қилади Ж.Дўстмуродов. — Мен ўзим билан шартнома нусхасини олиб келмаганман. Яна пул кўчириш йўли билан иш қилинса, харажатингиз ошиб кетади. Кўчириладиган пуллар учун банк ҳисобига, давлат божига фоиз ушланади, — гапида давом этади у. — Пул нақд тўланса, ишингиз анча арзон, 180 миллион сўм билан битади.

Бу суҳбатга Исматулланинг ҳамроҳи Комил Келдиёров ҳам гувоҳ бўлганди.

Қисқаси, ўша кун Жасур Тошкентга қайтгач, у кунаро, баъзан ҳар куни Исматуллага қўнғироқ қилиб, пул тайёр бўлган-бўлмаганини сўраб турди. Қўнғироқ қилганида у 180 миллион сўмни АҚШ долларида беришни, сабаби, катта миқдордаги сўмни олиб кетиш қийин эканини айтишни ҳам унутмади. АҚШ долларини Тошкентда сўмга айирбошлаб, тўловларни унинг номидан ўзи қилишини бот-бот ўқтирди.

И.Равшанов 2018 йилнинг апрель ойида 180 миллион сўмга тенг 22 минг АҚШ долларини тайёрлайди ва Жасурга қўнғироқ қилиб айтади. Буни қарангки, пулнинг дарагини эшитган Ж.Дўстмуродов эртасигаёқ Навоий шаҳрига етиб келади. И.Равшанов дўсти Комил билан "ГМЗ" корхонаси рўпарасида Ж.Дўстмуродов билан учрашади. Шунда Исматулла унга 22 минг АҚШ долларини беради. Жасур пул билан бирга И.Равшановнинг фуқаролик паспорти нусхасини ҳам олади. Масъулияти чекланган жамиятнинг устави билан гувоҳнома нусхаларини почта орқали, Тошкентга эртадан кечиктирмай жўнатишни тайинлайди.

Таклиф ва талаб

Жиноят ишини судда кўриш муддатини ҳисоблаш: муаммо, таҳлил ва ечим

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Маълумки, Жиноят процессуал кодексининг 351-моддасида дастлабки тергов муддатлари назарда тутилган бўлиб, унга кўра, жиноят ишлари бирлаштирилаётганда улар бўйича иш юритиш муддати узоқроқ муддат давомида тергов қилинган жиноят иши бўйича белгиланади.

Бунда қолган жиноят ишлари бўйича иш юритиш муддати узоқроқ тергов қилинган ишнинг муддати билан қамраб олинади ва қўшимча равишда ҳисобга олинмайди.

Алоҳида иш юритувига ажратилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов муддати, агар жиноят иши янги жиноят бўйича ёки янги шахсга нисбатан ажратилаётган бўлса, тегишли қарор чиқарилган кундан эътиборан ҳисобланади. Қолган ҳолларда муддат бу жиноят иши қайси жиноят ишидан алоҳида иш юритувига ажратилган бўлса, ўша жиноят иши қўзғатилган пайтдан эътиборан ҳисобланади.

Ушбу нормалар дастлабки терговнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган. Уларни тўлиғича суд муҳокамаси босқичига нисбатан татбиқ этиб бўлмайди.

Бинобарин, мавжуд ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этиш ва ягона суд амалиётини таъминлаш зарурати мавжуд.

Шу мақсадда Жиноят процессуал кодексининг 405-моддасига судда жиноят ишлари бирлаштирилганда, суд муҳокамасининг муддати судга вақт бўйича охирида келиб тушган иш бирлаштирилган санадан бошлаб ҳисобланишини, жиноят ишлари ажратилганда эса, у қайси жиноят ишидан ажратилган бўлса, ўша жиноят ишини судда кўриш бошланган санадан бошлаб ҳисобланишини назарда тутувчи қўшимчалар киритилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчидан, амалдаги Жиноят процессуал кодексида жиноят иши бўйича судьянинг алоҳида хонада, суднинг эса, маслаҳатхонада бўлган вақти суд муҳокамасининг умумий муддатига қўшиб ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслиги тўғрисидаги нормалар мавжуд эмас. Бу ҳолат, ўз навбатида, суд амалиётида суд муҳокамасининг муддатини ҳисоблашда турлича ёндашувларга олиб келиши мумкин.

Жиноят процессуал кодексининг 456-моддасига кўра, судья ҳукмни алоҳида хонада, суд эса, маслаҳатхонада чиқариши, яъни тайёрлаши лозим. Бундан ташқари кеч киришу билан, зарурат бўлган тақдирда эса, кун давомида ҳам суд маслаҳатни тўхтатишга ҳақлидир. Маслаҳатлашув дам олиш куни ва байрам кунида ҳам тўхтатилади.

Шунингдек, Жиноят процессуал кодексининг 461-моддасига кўра, ушбу кодекснинг 457, 459-моддаларида кўрсатилган масалаларни алоҳида хонада ё маслаҳатхонада муҳокама қилиш вақтида суд иш учун аҳамиятли бўлган бирор ҳолат қўшимча равишда аниқланиши керак, деб топса, ҳукм чиқармай, суд терговини яна давом эттириш тўғрисида ажрим чиқаради.

Демак, Жиноят процессуал кодексининг 456 ва 461-моддалари мазмунига кўра, судьянинг алоҳида хонада, суднинг эса, маслаҳатхонада бўлган вақти суд муҳокамасининг умумий муддатига қўшиб ҳисобланмаслиги керак.

Қолаверса, мураккаб ва катта ҳажмли жиноят ишлари бўйича ҳукмни ё ажримни маслаҳатхона ёки алоҳида хонада тайёрлаш ўзига яраша муайян бир муддатни, янада аниқроқ қилиб айтганда, 10-15 кунлаб вақт талаб қилиши ҳеч кимга сир эмас.

Шуни инобатга олган ҳолда, Жиноят процессуал кодексининг 405-моддаси 3-қисмини қуйидаги таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ:

"Жиноят ишини кўриш тўхтатиб турилган вақт ва судьянинг алоҳида хонада, суднинг эса, маслаҳатхонада бўлган вақти ишни муҳокама қилиш муддатига кирмайди".

Бундан ташқари судда иш юритишни тўхтатиб туриш борасида қуйидаги муаммолар мавжуд. Хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 405-моддасига кўра, жиноят ишини судда муҳокама қилишга тайинлаш тўғрисида судьянинг қарори чиқарилган вақтдан бошлаб кўпи билан ўн суткада суд ишни кўришни бошлаши лозим. Кодекснинг 410-моддасида биринчи инстанция судининг мажлисида жиноят иши судланувчининг иштирокида муҳокама қилиниши, судланувчининг судга келиши шарт эканлиги белгиланган.

Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, судланувчининг ишни кўраётган суд фаолият кўрсатаётган ҳудуддан ташқарида бошқа жиноят иши бўйича эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинганлиги, уй қамоғида сақланаётганлиги ёки озодликдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш жазосини ўтаётганлиги аниқланганда, ушбу судланувчи суд залига келтирилгунга (этап қилингунга) қадар суд муҳокамасини бошлаш имконияти мавжуд эмас. Бундан ташқари республикамизнинг бошқа ҳудудида қамоқда (уй қамоғида) сақланаётган ёки озодликдан маҳрум қилиш (озодликни чеклаш) жазосини ўтаётган шахсларни суд залига келтириш (этап қилиш) анча узоқ муддатни, яъни бир ойдан уч ойгача бўлган муддатни талаб қилади.

Жиноят-процессуал кодексининг 405-моддасида назарда тутилган ишни муҳокама қилишнинг икки ойлик муддатини бузишдан қочиш ҳамда ушбу кодекснинг 410-моддасидаги биринчи инстанция суди мажлисига судланувчининг келиши шартлиги тўғрисидаги талабга риоя қилиш мақсадида, гарчи Жиноят-процессуал кодекснинг 399 ва 420-моддаларида назарда тутилмаган бўлса-да, биринчи инстанция судлари томонидан юқорида қайд этилган ҳолларда судланувчи суд залига келтирилгунга ёки этап қилингунга қадар иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақида ажрим чиқариш ҳоллари ҳам учрайди.

2019 йил 23 майда қабул қилинган қонунга асосан Жиноят-процессуал кодексда гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар ва айбланувчилар иштирокидаги тергов ҳаракатлари, яъни сўроқ, шахсларни ва нарсаларни таниб олиш ва юзлаштиришлар ушбу шахсларни улар турган жойдаги ёки яшаш жойидаги вилоят ёки туман ёхуд шаҳарнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органига ёки судига чақирган, техник воситалардан фойдаланган ҳолда видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Лекин кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, эксперимент ўтказиш каби тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш имкони мавжуд эмас.

Жиноят-процессуал кодекснинг 19-моддасига кўра, давлат сирларига оид, шунингдек, жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар ёпиқ суд мажлисида кўрилиши лозим.

Вояга етмаган шахсларга оид, шунингдек, фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида ҳамда жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, улар оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этилган ҳолларда бошқа ишларни ҳам суд ажрими билан ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилади.

Шу билан бирга, Жиноят-процессуал кодекснинг 19-моддаси ёпиқ суд мажлисида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланишга йўл қўймасликни, бундай мажлисни аудио- ва видео ёзувга олмасликни талаб қилади.

Мазкур муаммони инобатга олган ҳолда, Жиноят-процессуал кодекснинг 399 ва 420-моддасига судланувчининг ишни кўраётган суд фаолият кўрсатаётган ҳудуддан ташқарида бошқа жиноят иши бўйича эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олингани, уй қамоғида сақланаётгани ёки озодликдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш жазосини ўтаётгани аниқланганда, ушбу судланувчи суд залига келтирилгунга ёки этап қилингунга қадар иш юритишни тўхтатиб туришга йўл қўйилишини назарда тутувчи қўшимчалар киритиш таклиф этилади.

Айни чоғда, таҳлил давомида жиноят иши бўйича суд муҳокамасини давом эттиришга тўсқинлик қилувчи бошқа бир қатор ҳолатлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Бироқ улар Жиноят-процессуал кодекснинг 420-моддасида жиноят ишини кўришни тўхтатиш асослари сифатида назарда тутилмаган.

Суд амалиётида айрим ҳолларда иш бўйича жабрланувчи ёки гувоҳ сифатида қатнашган, лекин бошқа жиноят иши бўйича тегишли вилоят ҳудудидан ташқарида эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган, уй қамоғида сақланаётган ёки озодликдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш жазоларини ўтаётган шахсларни суд залига келтириш ёки этап қилиш, шунингдек, айрим ҳолларда иш бўйича экспертиза тайинланиб, жиноят иши материалини экспертиза муассасасига юбориш зарурати туғилиши мумкин.

Бундай ҳолатларда шахсни суд залига этап қилиш ҳамда экспертиза текширувини ўтказиш муайян бир вақт талаб қилади. Бу вақт мобайнида, айниқса, жиноят иши материали экспертиза муассасасига юборилган ҳолларда, суд муҳокамасини давом эттиришнинг имкони бўлмайди.

Ушбу ҳолатлар фақатгина ишни судда муҳокама қилишнинг муддатига эмас, балки иш бўйича қонуний ва асосли қарорлар қабул қилишга ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, Жиноят-процессуал кодекснинг 420-моддасини такомиллаштириш таклиф этилади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларда мазкур ишни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, фуқаролик ишлари бўйича суд, жиноят ишлари бўйича суд, маъмурий суд ёки иқтисодий суд томонидан кўрилаётган бошқа иш ёки масала юзасидан, шунингдек, тергов ҳаракатлари олиб борилаётган иш юзасидан қарор қабул қилингунига қадар кўриш мумкин бўлмаганда, шунингдек, суд томонидан экспертиза тайинланганда судда иш юритиш тўхтатилиши назарда тутилган.

Бироқ юқорида айтиб ўтилган асосларга кўра, жиноят ишини судда кўришни тўхтатишга йўл қўйилмаслиги, ўз навбатида, айнан бир-бирига ўхшаш асослар амалиётда суд ихтисослигига қараб турлича қўлланилишига олиб келмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, суд ишларини юритишнинг амалдаги тартиби фуқаролар билан бирга, ҳуқуқни қўлловчи масъул шахслар ва давлат органлари учун ҳам қулай ва содда тарзда бўлиши лозим. Ана шундагина суд амалиётининг сифати ва самарадорлиги ошади.

Дилшод ТОЖИБОЕВ,
жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг раиси

Шарҳ

Янги Пленум қарори: апелляция ва кассация инстанцияси судларида

иқтисодий процессуал қонун нормаларини тўғри ва бир хилда қўллашни таъминлашга хизмат қилади.

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Пленум қарорининг 3-бандида эса, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисми ҳам, хулоса қисми ҳам шикоят қилишнинг, протест беришнинг мустақил предмети бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, Иқтисодий процессуал кодекснинг 259-моддаси биринчи қисми ва 282-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган шахслар мазкур кодекснинг 189-моддасига мувофиқ, қабул қилинган қўшимча ҳал қилув қарорига ҳам апелляция ёки кассация шикояти (протести) беришга ҳақли.

Қўшимча ҳал қилув қарори устидан апелляция ёки кассация шикояти (протести) бериш муддати эса, қўшимча ҳал қилув қарори қайси санада қабул қилинганидан қатъи назар, асосий ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан ҳисобланади.

Суд амалиётида шикоятни қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда ушбу ҳаракатлар биринчи инстанция суди томонидан амалга оширилган ҳолатлар ҳам учрайди. Бу қоида, аслида, Хўжалик процессуал кодексида мавжуд бўлган.

Янги қабул қилинган Иқтисодий процессуал кодексда эса, шикоятни қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш биринчи инстанция суди томонидан амалга оширилиши назарда тутилмаган.

Шундан келиб чиқиб, Пленум қарорида, гарчи, шикоятни (протестни) қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш учун асослар мавжуд бўлса-да, ҳал қилув қарорини қабул қилган суд шикоят (протест) келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда уни апелляция ёки кассация инстанцияси судига иш билан бирга юбориши шартлиги белгилаб қўйилди. Шикоятни (протестни) қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш масаласини ҳал этиш биринчи инстанция суди томонидан амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

Айтиш керакки, Иқтисодий процессуал кодексда агар ҳал қилув қарорини тушунтириш, ёзувда йўл қўйилган хатоларни, имловий хатоларни ёки ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш, ҳал қилув қарори ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиш тўғрисидаги ва бошқа аризалар бўйича суд мажлиси тайинлангандан кейин ушбу суд ҳужжати устидан апелляция ёки кассация шикояти (протести) келиб тушган тақдирда, суд томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар назарда тутилмаган.

Бу ҳолатни инобатга олиб, Пленум қарорида судларга бундай ҳолларда биринчи инстанция суди ариза бўйича иш юритишни Иқтисодий процессуал кодекснинг 101-моддаси 1-бандига мос ҳолда тўхтатиб қўйиши ва ишни шикоят (протест) билан бирга тегишли судга юбориши ҳақида тегишли тушунтириш берилди.

Бундан ташқари Пленум қарорининг 6-бандига кўра, қонуний кучга кирмаган суд ҳужжати устидан берилган кассация шикоятини қабул қилиш, Иқтисодий процессуал кодекснинг 291-моддаси биринчи қисми 2-бандига асосан, рад этилиши лозим. Пленум қарорининг 7-бандида апелляция шикояти (протести) мазмуни Иқтисодий процессуал кодекснинг 263-моддаси, кассация шикояти (протести) мазмуни эса, ушбу кодекснинг 286-моддаси талабларига мос бўлиши кераклиги баён этилган.

Шунингдек, Пленум қарорида турли хил сансалорликларнинг олдини олиш мақсадида, шикоятни қабул қилиш чоғида таъсис ҳужжатларига мувофиқ шикоятни имзолаган шахснинг уни имзолашга ҳақли эканлигига шубҳа туғилса, судья апелляция ёки кассация шикоятини иш юритишга қабул қилиши ва аризачига унинг шикоятни имзолашга ваколатини тасдиқловчи далилларни тақдим этишни таклиф қилиши, шикоятни имзолаш ваколатини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаганда эса, апелляция ёки кассация инстанцияси суди шикоятни кўрмасдан қолдириши ҳақида тушунтиришлар берилди.

Маълумки, бугунги кунда Тошкент шаҳар иқтисодий судидан ташқари барча вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий судларида 4 тадан судьялик штати мавжуд. Айрим ҳолларда ушбу судларда апелляция ва кассация шикоятлари (протестлари)ни кўриб чиқиш учун суд таркибини шакллантириш имконияти бўлмай қолиши мумкин. Бундай ҳолларда эса, Олий суд томонидан иқтисодий иш бошқа судга ўтказилади.

Бу борада ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида, Пленум қарорининг 11.2-бандида, агар судда шикоятни (протестни) кўриб чиқиш учун суд таркибини шакллантиришнинг имкони бўлмаса, ушбу судда фаолият кўрсатаётган судья шикоятни (протестни) якка тартибда иш юритишга қабул қилиш масаласини шикоят келиб тушган кундан беш кунлик муддатда ҳал қилиши, шундан сўнг шикоятни (протестни) апелляция ёки кассация тартибида кўриш учун ишни бошқа иқтисодий судга ўтказиш масаласини ҳал қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожаат қилиши ҳақида тушунтириш берилди.

Суд амалиётида шикоятни қайтариш учун бир нечта асос мавжуд бўлса-да, баъзи судьялар томонидан уни қайтариш ҳақидаги ажримда айрим камчиликларни қайд этиш билан чекланиш ҳолатлари ҳам учрайди. Бу эса, ўз навбатида, шикоятни иккинчи, баъзи ҳолларда эса, учинчи марта қайтариш учун сабабларни келтириб чиқаради.

Шу муносабат билан Пленум қарорининг 15-бандида агар шикоятни (протестни) қайтариш учун бир нечта асос мавжуд бўлса, суд ажримида ушбу асосларнинг ҳар бири кўрсатиб ўтилиши ва улар бартараф этилгач, шикоятни (протестни) берган шахс апелляция ёки кассация шикояти (протести) билан судга умумий тартибда янгидан мурожаат қилишга ҳақли экани кўрсатилиши ҳақида тушунтириш берилди.

Шунингдек, Пленум қарорининг 24-бандида ишларни апелляция ва кассация судларида кўриб чиқиш муддатини суд раиси томонидан узайтириш бўйича бир хил амалиётни шакллантириш мақсадида, алоҳида ҳолларда шикоятни (протестни) кўриб чиқиш муддати суд раиси томонидан маърузачи судьянинг билдиргисига асосан, кўпи билан бир ойга узайтирилиши белгилаб қўйилди. Агар суд раисининг ўзи маърузачи сифатида иштирок этган тақдирда, ишни кўриш муддатини узайтириш ҳақида маълумотнома тайёрланиши ва у томонидан имзоланиши, билдирги ёки маълумотнома иқтисодий ишга тикиб қўйилиши тўғрисида тушунтириш берилди.

Шу билан бирга, Пленум қарорида ишларни қайд этилган инстанцияларда кўриш учун муҳим бўлган бошқа бир қатор тушунтиришлар ҳам мавжудлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хулоса ўрнида айтганда, Олий суд Пленумининг ушбу янги қарори Иқтисодий процессуал кодекс нормаларини амалда бир хил ва тўғри қўллаш, ягона суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилади.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,
Олий суд судьяси

адоғи надоматдир

— Ака, сиз билан иш туфайли танишиб қолдик, — деганди ўшанда Ж.Дўстмуродов пулни санаб олгач. — Мен шу вақтга қадар қанча одамга қурилиш объектларини олиб бердим. Ҳаммаси рози бўлган. Сиз ҳам иш ҳал бўлгач, кўнгилдан чиқариб, бирор нарса берарсиз. Берган пулларингизни тўловларга сарфлайман. Давлат ташкилотида ишлаб, сизни алдамайман.

Жасурнинг гапидан фириб ҳиди анқиётганини газетхон аллақачон англаб етган чиқар. Ҳақиқатан ҳам, шундай. Жасур 22 минг АҚШ долларини олиб, Тошкентга қайтиб келгач, эртасига — 6 апрель куни Исматулла масъулияти чекланган жамиятининг ҳужжатларидан нусха кўчириб, жўнатиб юборади. Шундан сўнг Жасур почтани қабул қилиб олгани, узоғи билан бир ярим ой ичида қурилишни бошлаши ҳақида телефон орқали хабар жўнатади.

Шу ўринда воқеанинг давомига тўхталадиган бўлсак, Исматулла Жасур билан телефон орқали гаплашиб туради ва ҳар сафар қурилиш учун ер қачон ажратилишини сўрайди. Жасур эса, бир-икки кун ичида янгилик бўлишини, лицензия олинадиган идораларга кириб чиқаётганини айтиб, уни алдаб юради. Охир-оқибат эса, тоқати тоқ бўлган И.Равшанов Жасурга қўнғироқ қилиб, пулни қайтариб беришни талаб қилади. Шундан сўнг Жасур, одатда, фирибгарлар қўллайдиган усул — қўнғироқларга жавоб бермаслик йўлига ўтиб олади.

Шундан сўнг Исматулла Жасурни излаб Тошкент шаҳрига келади. Шунда жуда кўп нарса ойдинлашади. Буни қарангки, Жасур ўзи айтган Миробод туманида эмас, балки Юнусобод туманининг 19-мавзесида яшаркан. У архитектура ва қурилиш соҳасининг умуман кўчасидан ҳам ўтмаган. 1990 йилда туғилган, оилали, бир нафар фарзанднинг отаси Ж.Дўстмуродов бор-йўғи ўрта маълумотга эга экан.

Фирибгарликни касбга айлантирган бу кимса жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Бектемир туман судининг 2017 йил 6 февралдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми "а" банди билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари — 14 миллион 977 минг 500 сўм жарима жазосига судланган. Мазкур суднинг 2018 йил 1 августдаги ажрими билан Жиноят кодексининг 44-моддаси 3-қисмига асосан тайинланган жарима жазоси олти ой, беш кун озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган.

Дастлабки суриштирув ва тергов жараёнида Ж.Дўстмуродовнинг Навоий шаҳридаги жиноий қилмиши кундай равшан тортди. Судланувчи тергов чоғида жабрланувчига етказган моддий зарардан фақат бир минг АҚШ долларинигина қайтарди, холос.

Албатта, Ж.Дўстмуродов жиноий қилмишлари учун суднинг қора курсисида ўтириб, қонун олдида жавоб берди. Суд унга нисбатан Жиноят кодексининг 68-моддаси 4-қисми "а" банди билан 8 йил, Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида 8 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Судланувчига нисбатан тайинланган жазо ҳеч кимда эътироз уйғотмади. Чунки Ж.Дўстмуродовга қилмишига яраша қонуний ва адолатли жазо тайинланди. Лекин масаланинг бошқа бир жиҳатига эътибор қаратиш лозим. Гап шундаки, амалдаги Жиноят кодексининг 167, 168, 170 ва 184- моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Биз қонунчиликдаги ушбу нормага бежизга тўхталганимиз йўқ. Биринчи босқич судининг юқоридаги ҳукми устидан Ж.Дўстмуродов ва унинг адвокати томонидан келтирилган апелляция шикояти вилоят суди апелляция инстанциясида кўриб чиқилди.

Ж.Дўстмуродовнинг яқин қариндошлари томонидан суд ҳукмида кўрсатилган зарар тўлиқ қопланган. Шундан сўнг И.Равшанов зарар қопланганги сабабли Ж.Дўстмуродовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақида судга ариза тақдим қилган.

Апелляция судлов ҳайъати қонун талабларига таянди. Биринчи босқич судининг Ж.Дўстмуродовга нисбатан чиқарган ҳукмини ўзгартирди. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини жарима жазосига алмаштирди. Олти ой, беш кун озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўталган, деб ҳисоблади. Унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 80,5 баравари миқдорида — 13 миллион 865 минг 320 сўм жарима жазосини қолдирди. Ж.Дўстмуродовга нисбатан эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, у суд залидан қамоқдан озод қилинди.

Албатта, Ж.Дўстмуродовга нисбатан кўрсатилган бу бағрикенглик, аслида, унга қилмишидан тўғри хулоса чиқариб, ҳаётда тўғри йўлни топиб олиши учун берилган имкониятдир. Ж.Дўстмуродов бу имкониятнинг қанчалик қадрига етишини, албатта, вақт кўрсатади.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Ҳаётда фирибгар, ғараз ниятли кимсалар ҳамиша учраб туради. Бундай кимсаларнинг тузоғига тушиб қолмасликнинг энг тўғри йўли ҳамиша қонун талаби асосида фаолият юритишдир. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Фахриддин ХАЛИЛОВ,
Маъмуржон ҚОДИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти судининг судьялари.
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА»

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини, шунингдек, судлар фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини янада такомиллаштириш мақсадида "Адолат — қонун устуворлигида" танловини эълон қилади.

Танловга республика миқёсидаги газета ва журналларда чоп этилган, Интернет саҳифаларида ёритилган, телевидение ва радиода берилган суд тизимидаги ислоҳотлар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарғиб қилишга, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган мақолалар, Интернет материаллари, кўрсатувлар, эшиттиришлар қабул қилинади.

Мақолалар чоп этилган газета ва журналлар, Интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар ёзилган тасмалар Олий суд матбуот хизматига таҳририят, телевидение, радио ходимлари ёки муаллифлар томонидан тақдим қилиниши лозим. Танловга беш ва ундан ортиқ мақола, кўрсатув, эшиттириш ва Интернет материаллари билан иштирок этиш мумкин. Тақдим этилган мақола, кўрсатув, эшиттириш ва Интернет материаллари муаллифининг тўлиқ исм-шарифи, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ҳақидаги маълумотлар ҳамда паспорт нусхаси илова қилиниши шарт.

Танловга 2020 йил 1 январдан 15 ноябргача чоп этилган мақолалар, Интернет материаллари, кўрсатув ва эшиттиришлар қабул қилинади.

ТАНЛОВДА ҒОЛИБЛАР ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА АНИҚЛАНАДИ:

1. "Телевидение ва радио йўналишида энг фаол журналист" (1, 2, 3-ўринлар);
2. "Босма ОАВ йўналишида энг фаол журналист" (1, 2, 3-ўринлар);
3. "Интернет-журналистика йўналишида энг фаол журналист" (1, 2, 3-ўринлар);
4. "Энг фаол судья ва суд ходими" (1, 2, 3-ўринлар);
5. "Энг фаол илмий ходим" (1, 2, 3-ўринлар).

Барча йўналишлар бўйича ғолиблар танлов рамзи, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ:
100186, Тошкент шаҳри,
А. Қодирий кўчаси, 1-уй.
Телефон: 71 239-02-43,
электрон почта: mt@sud.uz

Тарбия

Икки оила: бирида — жиноятчи, бирида кашфиётчи улғайди

Бугун ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланмоқда. Юртимизда ҳатто кичик ёшлилар ҳам АКТ ва Интернет тармоғидан кўп ва хўб фойдаланиши маълум. Хўш, бу каби ривожланиш ёшларга қандай таъсир кўрсатяпти? Унинг фойдасию зарари қандай?

Азиз Абдулҳаев 17 ёшда. Ота-онаси ажрашганда у 12 ёшда эди. Шундан сўнг унинг феъл-атворида ўзгаришлар кузатилди. Синф раҳбари, мактаб психологи унинг ота-онасига буни тушунтиришди. Онаси фарзандининг тўла-тўкис яшаши, ўртоқларидан кам бўлмаслиги, қорни тўқ, усти бут бўлиши учун бор кучини сарфлади. Азизни синглиси билан бирга тоғасига қолдириб, хорижга ишлашга кетди. Аммо ўғли билан суҳбатлашишга, дўстлашишга вақт тополмади. Ота ўрнини босолмади. Йиллар уларни узоқлаштирди. Бола онасини фақат моддий таъминлайдиган пул манбаси сифатида кўрди.

Ўғил қийинчиликсиз, моддий таъминотида муаммоларсиз улғайди. У ҳам тенгдошлари қатори Интернетдан фойдаланарди. 15 ёшида маҳалладаги уйга рухсатсиз киргани учун ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг огоҳлантиришини олган. 16 ёшида турли Интернет сайтларига кириб, пул ишлаб топиш мумкин, деган ёлғон хабарларга ишониб, йўлдан адашди. Онасининг панд-насиҳатлари таъсир қилмади. У тақиқланган ташкилотларнинг ёлғонлари, алдовларига ишониб қолди. Шу билан катталарнинг битта хато қадами боланинг ҳаётини ёмон томонга ўзгартириб юборди.

Суҳроб Ҳайдаров Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги 4-умумтаълим мактабида таҳсил оларди ва шу билан бирга бўш вақтида ижтимоий тармоқлар орқали дастурлаш, роботтехникасига оид йўналиши бўйича мустақил билим ола бошлади.

У оиланинг тўнғич фарзанди. Шу боисми, масъулиятни чуқур ҳис этади. Болалигидан синган ўйинчоқларини ўзи тузатишга уринарди. Боладаги қобилиятни пайқаган ота фарзандига янада кенгроқ имконият яратиб берди. Унга Интернетдан қандай фойдаланишни ўргатиб, қуриш ва ясаш бўйича видеороликлар кўришни тавсия қилди. Шу билан бирга, Суҳроб 4 тилни — ўзбек, рус, инглиз ва корейс тилларини ўрганди.

Ота-онаси ўгитларига амал қилган Суҳроб ижтимоий тармоқлардан фойдали видеороликларни кўра бошлади. Роботехникага оид лавҳаларга кундан-кун қизиқиши ортиб борди. Ёшига ёш қўшилган сари ахборот технология соҳасига қизиқиб, нималарнидир ўйлаб топадиган бўлди, турли ихтиролар қила бошлади.

У 15 ёшида илк бор "Ақлли катак"ни ихтиро қилди. Бу янгилик товуқларни профессионал боқиш учун яратилганлиги мутахассислар томонидан алоҳида эътирофга сазовор бўлган. Мазкур ихтиро Суҳробга яна янги марралар учун куч берди. "Робот Макс" каби ИТ лойиҳаларини ярата бошлади. Макс исмли робот инглиз, француз ва корейс тилларида эркин сўзлашиши, шу билан бирга, 7 ёшгача бўлган болаларга ушбу тилларни ўргата олиши билан эътиборга тушди.

Аста-секин қатор роботтехникасига оид олимпиадалар ҳамда кўрик-танловларда қатнашган Суҳроб Ҳайдаров фахрли ўринларни эгаллади. 2018 йилнинг октябрь ойида "Иқтидорли ёшлар форуми"да ўз йўналиши бўйича ва "Youth techno art-2018" республика танловида "Робототехника" йўналишида 1-ўринни эгаллаб, халқаро "Youth techno art-2019" фестиваль-танловида қатнашиш учун йўлланмани қўлга киритди.

Венгриянинг Дьор шаҳрида 2019 йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган WRO 2019 халқаро робототехника олимпиадасида 1-ўринни эгаллаб, EDUTUS университетида 100 фоизлик имтиёзли грант асосида ўқиш имконига эга бўлди. Youth techno art-2019 халқаро робототехника олимпиадасида ҳам ғолиб бўлди.

Ҳозир Суҳроб Ҳайдаров ёш бўлишига қарамай, Навоий вилояти "Баркамол авлод" болалар марказида ташкил этилган "Ёш олимлар клуби"га раҳбарлик қилмоқда. Шунингдек, у "IT PARK" ҳузуридаги "Рақамли технологиялар маркази"да "Робототехника" бўйича ментор вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Болани тўғри йўналтириш асосан ота-онага боғлиқ. Ижобий оилавий муҳит, таълим муассасаси, педагогнинг маҳорати билан ҳар бир ёш ўз салоҳиятини юзага чиқариши мумкин. Аммо ҳаёт синовлару тўсиқларга тўла. Шу билан бирга имкониятлар ҳам мавжуд. Танловни эса, ҳар кимнинг ўзи амалга оширади.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

Республика Маънавият ва маърифат марказида бадиий ижод ва журналистика соҳасида қалам тебратаётган, маънавий-маърифий йўналишларда фаолият олиб бораётган ёшлар билан очиқ мулоқот ташкил этилди.

Янги авлод — янги ташаббуслар

Ижодкор ёшлар янги ташаббусларни илгари сурди

"Янги авлод — янги ташаббуслар" шиори остида ташкил этилган мулоқот Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар иттифоқи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилди.

Унда таниқли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, наср, назм, болалар адабиёти, драматургия, бадиий таржима, публицистика йўналишида қалам тебратаётган, илк китоби нашр этилган ёш ижодкорлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 27 декабрда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан ўтказган йиғилишида илгари сурилган муҳим фикр ва ғоялар, белгиланган вазифалар юзасидан фикр алмашилди.

— Президентимиз ёшлар масалаларида илгари сурган ғоя ва ташаббусларни амалга ошириш, уларнинг ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш, муаммоларини ҳал этишда барчамиз бирдек масъулмиз, — деди Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов. — Биз бир ёқадан бош чиқариб, мамлакатимизда бошланган янги давр, барча соҳаларда кечаётган ислоҳотларни ҳар бир ёшга етказишимиз керак.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилди. Мутасадди раҳбарлар уларни тинглаш баробарида, янги авлод вакилларининг ташаббусларини амалга ошириш уларнинг олдида турган энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолишини таъкидлаб ўтди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар ўртасида китобхонлик кенг тарғиб этилмоқда, — деди Республика ёш ижодкорлар кенгаши раиси Мехриноз Аббосова. — Бунинг учун "Ёш китобхон" республика кўрик-танлови ўтказилиб, ғолибларга "Спарк" автомобили берилмоқда. Ўз навбатида, китоб ёзаётган ёш қалам аҳлига ҳам алоҳида эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Албатта, "Менинг биринчи китобим" лойиҳаси доирасида иқтидорли ёшларнинг китоблари давлат бюджети маблағлари ҳисобига чоп этилиб, мактаб кутубхоналарига етказиб берилмоқда. Афсуски, ана шу ижодкорларнинг қалам ҳақи мақтанарли даражада эмас.

— Президентимиз томонидан илгари сурилган "Ватан ифтихорлари" институтини жорий этиш, жойларда IT-парклар, ёшлар аудиториясига йўналтирилган теле ва радиоканаллар, босма нашрлар асосида "Ёшлар медиа холдинги" ташкил этиш каби қатор ташаббусларни катта хурсандчилик билан қабул қилдик, - деди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Ситора Барлибоева. — "Ёшлар медиа холдинги" ташкил этилганида унга хорижда таҳсил олаётган иқтидорли тенгдошларимизни жамоатчилик асосида жалб этиш керак. Хорижий давлатларда ватандошларимиз қандай ютуқларга эришаётгани тўғрисида махсус дастурлар тайёрлаш жоиз, деб ўйлайман.

Ўзбек адабиёти ва журналистикасининг нодир намуналарини жаҳон тилларига таржима қилиш, ижтимоий тармоқлар, интернет тизими имкониятларидан фойдаланиб мамлакатимиз тарихи, маънавияти, буюк аждодларимиз мероси, бугунги ислоҳотлар жараёни билан жаҳон аҳлини мунтазам таништириб бориш чораларини кучайтириш зарур. Иштирокчилар барча соҳаларда фидойилик билан меҳнат қилаётган бунёдкор ёшлар ҳақида бадиий асарлар яратиш борасида ўз ташаббусларини билдирди.

— Ёш ижодкорларнинг асарлари бошқа тилларга таржима қилинмоқда, бироқ тарғиботи суст, — деди "Академнашр" нашриёти масъул котиби Маҳфуза Имомова. — Ўзбек адабиётини дунёга кенг тарғиб этишда барча қаламкашлар биргаликда ҳаракат қилиши керак. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида хорижий тил курсларини йўлга қўйиш, бошқа давлатларда ташкил этиладиган адабий курсларга иқтидорли ёшларни юборишни таклиф этаман.

Иштирокчиларга Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар иттифоқи томонидан нашр этилган бадиий китоблар тақдим қилинди.

Хуршид ҚОДИРОВ,
ЎзА мухбири

Мамлакатимизда унибўсиб келаётган ёшларга эртанги кунимизнинг ҳақиқий эгалари сифатида қараб, уларнинг интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, пухта билим олиши, ўз имконият ва салоҳиятларини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жиноятга жазо муқаррар

Сохта абитуриентлар

қонун олдида ҳаққоний жазосини олди

Шу маънода, бугун мамлакатимиз ёшлари эришаётган улкан ютуқлар замирида ана шундай юксак эътибор ва ғамхўрлик мужассам. Энг муҳими, ёшларга кўрсатилаётган эътиборнинг кўлами ва миқёси йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Айниқса, 2016 йил 14 сентябрда янги таҳрирда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун ёш авлоднинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда кафолатли таъминлашда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда бежизга фикр юритаётганимиз йўқ. Гап шундаки, ана шундай қулайликлар муҳайё қилинаётган бир пайтда айрим ёшлар кўр-кўрона жиноий қилмишга қўл ураётганини қандай изоҳлаш мумкин?!

Яқинда жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судида кўриб чиқилган бир жиноят иши ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Шу ўринда ушбу жиноят тафсилотларига батафсил тўхталадиган бўлсак, О.Ваҳобов шериклари, компьютер мутахассиси О.Қосимов ва Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг 4-босқич талабаси А.Исмоилов билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, абитуриентларни ноқонуний йўл билан ўқишга киритиш жиноятини содир этган.

Аслида, О.Ваҳобов мактабда ўқитувчи сифатида фаолият юритаркан, олий ўқув юртида ўқийдиган талабаларнинг билимидан фойдаланиб, абитуриентларни ўқишга киритиш ва шу йўл билан мўмай даромад орттиришни ўйларди. Назарида, айнан шу йўл билан тез орада бойиб кетиши мумкин эди.

Қисқаси, у тез орада жиноий режасини амалга оширишга жиддий киришади. Аниқроқ айтганда, у Наманган шаҳрида жойлашган компьютерхонада Ойбек деган йигит билан танишиб қолади ва унга ўзининг жиноий режасини айтади. Ўз навбатида, Ойбек унинг жиноий таклифига рози бўлади ва муайян ҳақ эвазига компьютерда абитуриентларни ўрнига имтиҳон топширадиган талабаларнинг қалбаки ҳужжатларини тайёрлаб беришига розилик билдиради. 2019 йил июнь ойида эса, у А.Исмоилов билан танишади ва ундан олийгоҳларда ўқийдиган билимли талабаларни топишда ёрдам беришни сўрайди. Ўз навбатида, А.Исмоилов Тошкент ахборот технологиялари институтида ўқийдиган танишлари борлигини айтади. Шундан сўнг у А.Исмоилов билан бирга Тошкент шаҳрига келади ва талабалар Ё.Абдусатторова ҳамда Д.Раҳимжанов билан гаплашади.



Буни қарангки, нафс қутқусига учган Ё.Абдусатторов ва Д.Раҳимжонов 800 АҚШ доллари эвазига бошқа абитуриентларнинг ўрнига имтиҳон топширишга рози бўлишади.

Шундан сўнг улар Наманган шаҳрига қайтиб келиб, А.Исмоиловнинг яна бир таниши Д.Эркинов ва янгиқўрғонлик А.Аҳмадалиев билан ҳам гаплашишади.

Қисқаси, уларнинг жиноий режаси хамирдан қил суғургандек силлиқ кечаётган эди. Улар барча талабалар рози бўлгач, институтга хужжат топширган И.Ҳотамов, Н.Тоҳиржонов, А.Убайдуллаев, Б.Тўхтасинов ва А.Аҳмаджанов билан гаплашишади. Уларни ўзларининг жиноий режасига ишонтиришади. Шунинг учун абитуриентлар агар ўқишга киришса, ҳамда 8.100 АҚШ доллари беришга рози эканини айтишади.

Шундан сўнг жиноий гуруҳ томонидан абитуриентларнинг ҳужжатлари компьютер ёрдамида қалбакилаштирилади. Энди сохта абитурентлар имтиҳонларга кириб олишса, бас...

Аммо жиноий гуруҳнинг қабиҳ режаси амалга ошмади, сохта абитуриентлар ҳали имтиҳонга кирмай туриб, қўлга тушиб қолишди...

Табиийки, бунинг оқибатида О.Ваҳобов, О.Қосимовга Жиноят кодексининг 228-моддаси 2-қисми "а, б" бандлари билан, талабалар А.Исмоилов, Ё.Абдусатторова, Д.Раҳимжонов, Д.Эркинов ва А.Аҳмадалиевларга кодекснинг 228-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Ўтган йилнинг 4 декабрь куни ушбу жиноят иши жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди томонидан Наманган муҳандислик-қурилиш институти биносида, ўқитувчи ва талабалар иштирокидаги сайёр суд мажлисида кўриб чиқилди.

Албатта, судда судланувчиларнинг ўз қилмишидан қаттиқ пушаймонлиги инобатга олинди ва қонунда белгиланган жазодан ҳам енгилроқ жазо тайинланди.

Шунингдек, ашёвий далил сифатида олиниб, Наманган вилояти ИИБ Молия-иқтисод бўлимида сақланаётган 1.600 АҚШ доллари, "ASUS" номли компьютер ускунаси, "LG" номли компьютер монитори, "EPSON" номли рангли лазерли принтер ва "Canon" номли кўп функцияли принтер аппаратлари давлат фойдасига мусодара қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, сохтакорлик билан ҳақиқатнинг юзига лой чаплашга уриниш калтабинликдан бошқа нарса эмас. Зеро, бугунги техник тараққиёт юксак поғонага кўтарилган пайтда бундай кирдикорликларни аниқлаш ва ошкор қилиш хамирдан қил суғуришдек осон кўчишини эътибордан соқит қилмаслик керак.

Бахтиёр ТАВАККАЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг раиси

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ, **Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ**, **Икрам МУСЛИМОВ**, **Замира ЭСОНОВА**, **Холмўмин ЁДГОРОВ**, **Олим ҲАЙИТОВ**, **Бахтиёр ИСАКОВ**, **Азиз МИРЗАЕВ**, **Светлана АРТИКОВА**, **Бобомурод РАЙИМОВ**

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-123. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 10244
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 23³⁰.